

СИТОРАИ МОҲИ ХОССА СИТОРА-И-МАХИ-ХАССА

БУХАРА

10 $\frac{72}{H 83}$






Хонаи сафид (оқ хона).
Белый зал (хона-и-сафид).

ОТД. ВКД. Л.

2



Ю


Ю $\frac{72}{H 83}$

Бухородан тўрт километр шимолда, Самарқанд йўли ёқасида сўнги амирларнинг шаҳар четидаги энг кўркем саройларидан бири қад кўтарган Уни ўтган асрда Аҳадхон қурдира бошлаган эди.

Европанинг қурилиш тажрибаларини ўрганиш ва ўзлаштириш учун амир ўз усталарини Россия пойтахти Петербургда, сўнг Ялтага йўллаган эди. Амир кейинча Ялтада ҳам ўзи учун сарой қурдирди. Бу сарой ҳозир санаторийга айлантирилган бўлиб, унда Ўзбекистон меҳнаткашлари дам оладилар.

Бухоро четидаги сарой (эски сарой) маҳаллий меъмор Ҳожи Тафиз раҳбарлигида қурила бошлаган. Бу ердаги биноларнинг кўриниши Европа ва Осиё меъморчилик услубларининг аралашмасидан иборат. Аҳадхоннинг кўшкни ва ҳашаматли бошқа хоналари анчагина шикастланган, чунки бу биноларда асосан ёғоч синчлар қўлланилган бўлиб, улар йиллар ўтиши билан қириб кетган.

Бу эски саройнинг шарқ томонига сўнги Бухоро амири — Олимхоннинг буйруғи билан янги сарой, кўшклар ва боғ барпо қилинган. Боғнинг катталиги 6,7 гектар келиб, гулзорлар, чиройли ишқомлар, мавазор ва ҳайвонот боғидан иборат. Сарой боғ атрофи баланд паҳса девор билан ўралган. Саройнинг шимол томонида асосий кириш дарвозаси, жануб томонида эса йўлагининг усти айвонга ўхшатиб ишланган яна бошқа дарвоза бор. Бу дарвоза кенг



очиқ майдонга қараб туради. Майдонда анъанавий улоқ ўйинлари ўтказилган. Чавандоз йигитлар абжирликда мусобақалашиб, майдонда от суриб, бошқа чавандоз кўлидаги улоқни тортиб олишга ҳаракат қилар эдилар. Ўйин бошланишида хоннинг ўзи улоқни болахонадан ўртага ташларди.

Ҳозир Янги сарой боғнинг бир қисми билан бирга Бухоро ўлкашунослик музейига берилган, қолган қисмида эса, меҳнаткашлар учун шифохона ташкил этилган.

Ситораи моҳи хоссанинг ичкарасига дарвозахонадан кирилади. Бу ерда XIX асрнинг охири ва XX аср бошларидаги Бухоро меъморчилигининг инқирозга юз тутганлиги кўзга яққол ташланиб туради. Буни амир саройининг бошқа ҳамма биноларида ҳам кўриш мумкин. Аввало дарвоза устидаги равоқ Урта Осий биноларига хос бўлмаган шаклда, нишаб, ярим доира қилиб ишланган, ён қисмлари сирланган гўк қизил, кўк-гунафша ва ҳаво ранг сополлар билан қопланган. Анъанавий ана шу сиркор (бирок ранги айниган) парчинлар билан бирга Россиядан келтирилган ва печкалар устига қоплаш учун ишлатиладиган кафель қопламаларидан ҳам фойдаланилган. Дарвозанинг тепа қисмига алебастрдан ишланган ясси гулдон шаклидаги безаклар ўрнатилган. Бу ердаги энг қимматли нарсаси ёночдан ишланган икки тавақали дарвоза, холос. Дарвозага гўзал ўзбек миллий нақшлари солиниб, у ўймакорлик йўли билан ишланган. Дарвоза мис миҳлар билан мустаҳкамланиб, нафис гулдор зулфин билан безатилган.

Дарвозахонадан ҳовли бирун деб аталадиган ташқи ҳовлига кирилади. Унинг уч томони енгил қилиб қурилган айвончалар ёки даҳона билан ўралган. Томошабинлар кўнгил очиш пайтларида шу айвонларда ўтиришар эканлар. Амирнинг меҳмонлари учун турли совға-туҳфалар ва ёдгорликлар тайёрлаган усталар ҳам ўз маҳсулотларини шу ерда намойиш қилишар экан.

Дарвозахонадан киришда ўнг қўлда кичкина ҳовли яна бир бино бор. У хазина деб аталган. Янги

сарой билан туташган бу хазинада амирнинг сармоясини, шахсий анжом-асбоблари, турли таом ва ичимликлар сақланган. Қарама-қарши томонда, бурчакда иккинчи эшик бўлиб, унинг қайрилма йўлагидан эшик оғасининг хонасига кирилади.

Ҳовли бируннинг жануб томонига 1912—1914 йилларда қурилган Янги сарой туташиб кетган. Сарой бинолари «П» симон тушган, натижада рўй ҳовли дарун деб аталадиган бу ҳовлини бинолар уч томондан ўраб туради. Ҳовли саҳнига ясси парчинлар ётқизиблиб, ўртасида кичкина фонтан бор. Бежирим устунли катта айвон ҳовлининг шимол томонидадир. Ғарб томонда хонаи сафид («оқ хона») бўлиб, унинг ёнида қабулни кутиб ўтириш учун бошқа хоналар ҳам мавжуд. Жануб томонда ойнавонли чойхона, кутиш хонаси ва амирнинг қабулхонаси жойлашган.

Сарой биноларига кираверишда Нурота мармаридан маҳаллий усталар йўниб ишлаган шерларнинг ҳайкаллари бор. Лекин, қуръоннинг кўп асрлар давомида тирик жониворлар нусхасини ясаш ёки суратининг солишни ман этганлиги таъсири бу ҳайкаллардан ҳам кўриниб турипти. Илгари ҳеч қачон ҳайкал тарашлаш билан шуғулланмаган Бухоро усталарига мураккаб нақшлар солиш осонроқ эди. Бунга амир қабулхонаси даҳлизининг алебастрдан қилинган деворига ишланган кишини ҳайратда қолдирадиган нақш-гуллар, безаклар мисол бўла олади. Девор айрим-айрим тахталарга бўлинган ва уларга очиқ рангли чиройли гулдонлар ва гуллар солинган. Қадимий анъанавий услубда безатилган бу хонани уста Ҳасанжон ишлаган.

Бухоронинг XIX—XX асрдаги энг ажойиб бадий меъморчилик намуналаридан бири Янги саройдаги хонаи сафид (оқ хона)нинг ичкарасидир. Шарқнинг жимжимадор, нозик нақшлари, жозибадор қилиб ишланган гуллари, ажойиб гирихлар билан монанд бўлиб кетган. Кўзгуларнинг кўплиги ичкарининг анъанавий безагини бузмаган, чунки ҳалиги нақш ва гуллар ўша кўзгулар устига солинган. Деворнинг кўзгулардан иборат бўлиши ва гулганчдан ишланган

безакларнинг кўзни қамаштирадиган даражада оппоқлиги хонаи жуда енгил ва кўркам қилиб кўрсатади. Хонаи сафидни икки йил мобайнида 25—30 кишидан иборат халқ усталари қуришган ва пардозлашган. Унга таниқли ўзбек меъмори Уста Ширин Муродов раҳбарлик қилган. Маълумки, кейинча Совет ҳокимияти даврида Уста Ширин Муродов Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг фахрий академиги деган унвонга сазовор бўлди. У анча бой меъморий мерос қолдирди. Булар орасида А. Навоий номидаги академик Катта опера ва балет театрининг Бухоро зали алоҳида ўрин тутаети. Уста Ширин Муродов ана шу хизмати учун Давлат мукофотининг лауреати бўлди.

Амир Олимхоннинг Янги саройи рус инженерлари Сакович ва Маргулис кузатувида ва раҳбарлигида қурилди. Сарой Россиядан келтирилган кўзгулар, кафелли голланд печлари, биллур шамдонлар, карнизлар, уй жиҳозлари билан пардозланди ва жиҳозланди. Лекин буларнинг кўпчилиги саройнинг миллий ҳусни-безагига ярашмади. Саройдаги янгилик — қабулхоналарининг Европа услубида биридан-бирига ўтиладиган қатор бўлиб жойлашиши ва биноларнинг ташқи томонига ёпиштирилган безаклардан иборат, холос. Янги саройнинг киравериши боғ-чаманзорларга туташиб кетган дейиш мумкин.

Боғнинг узунасига кетиб, айвончалар билан ўралган шимолий қисмида Ўрдахона деб аталмиш ҳарам жойлашган. Унинг ғарбида ҳарам хизматкорлари учун қурилган кичик хоналардан иборат бир бино бўлиб, уни ҳовлича деб аташган.

Ўрдахона ҳам Европа услубида қурилган. Икки қаватли ва ярим доира шаклида қурилган бу бино ичкари ҳовлига қараб туради. Ана шу жиҳатдан саройнинг бу уй ва ҳовлисини маҳаллий меъморчилик анъаналарини ўзида сақлаб қолган бирдан-бир қисми дейиш мумкин. Ҳозир бу бино санаторийнинг ошхонаси.

Боғнинг қоқ ўртасида саккиз хонали кўшк бор, уни хонаи хашт дейдилар. Унинг хоналари саккиз

қиррали қилиб ишланган сшхона, яъни хонаи овқат-хўри атрофида жойлашган. Хонаи овқатхўрининг деворлари худди Бухоронинг зарбоф кашталарини эслатадиган қилиб, ганч чиройли ўйиб ишланган, тилла суви югуртириб безатилган. Хонаи ҳаштнинг жанубида тўғри бурчакли ва деворлари тоқчали катта хона бўлиб, уни хонаи калон дейишади. Бу хонанинг қурилиши ва беагаи Бухоронинг бой хонадонларига хос меҳмонхонани эслатади. Қолган бошқа хоналар ухлаш, ётиш учун (хонаи хоб) ва хизматкорлар учун мўлжалланган.

Боғнинг жанубида 1917—1918 йилларда бир қанча бинолар қурилган: чунончи, ойнавонли гулхонаси бўлган катта икки қаватли данғиллама бино, масжид, катта ҳовуз. Икки қаватли бино олдига қурилган ҳовуз кул ранг Ғозғон мрамари билан қопланган. Данғиллама бино XIX аср охиридаги сохта рус меъморчилиги ва Мааритания услубида равоқлари бир-бирига уйғун қилиб, пойдевори эса тош ётқизилган шаклда ишланган. Бинонинг ичи узун йўлак (коридор) усулида, хоналари фақат бир томондан шамоллатиладиган қилиб қурилган, бу Урта Осиё шароитида фақат қиш фасли учун қулай, ҳолос.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, Бухоро халқ меъморлари ишлаган бадий безаклар ёғоч ва гулганчга ўйиб ишланган нақшлар гўзал бўлишига қарамай ва айрим жойларида миллий ранг, ҳислат сақлаиб қолганлигига қарамай, янги ва эски саройларнинг қиёфаси меъморчиликнинг инқирозга юз тутганини кўрсатиб турипти. Бу ерда турли услублар ўзвий боғланмаган ҳолда аралашиб кетган.

Рус саройларига тақлид қилиш ҳамда эклектизм¹ муҳри Бухоронинг бу саройлари меъморчилигида яққол кўзга ташланиб туради.

Ситораи моҳи ҳосса боғининг режаси диққатга сазовордир. Саройнинг барча бинолари боғ ичида жойлашганлигига қарамай, боғнинг режаси мустақил деса бўлади. Афтидан боғ-сарой бинолари қурил-

¹ Эклектизм — бир-бирига тид бўлган ҳар хил фикрларни, назарияларчи маъани суратда принципсиз қориштириб юбориш.

масидан олдин барпо қилинган. Боғ Темур ва темурийлар давридаги Самарқанд боғларига ўхшаш анъанавий чорбоғлар шаклида режаланган. Боғ саҳни бир-бирига перпендикуляр кетган йўлкалар билан тўртта тўғри бурчакли майдончаларга бўлинган. Шунга кўра уни чор чаман дейилади.

Маълумки, Урта Осиёдаги истироҳат боғларида чиройли гуллар билан бирга ҳамма ёқни яшил қилиб турувчи мева дарахтлари ҳам кўп бўлади. Олмалар, pista-бодомлар, шафтолилар баҳорда гуллаб, муаттар ҳидлар таратса, ёзда меваларининг рангбаранг бўлиши, кузда эса баргларининг қизғиш — олтин рангга кириши билан боғга ҳусн бахш этиб туради. Истироҳат боғининг йўлкалари ишқом қилинган. Ундаги узум бошлари кузда чиройли бўлиб осилиб, қуёш нурида қаҳрабо рангида ёки қорамтир бўлиб жилоланиб, товланиб туради.

Боғнинг жанубий қисмида ҳайвонот боғи бўлган. Боғнинг соя-салқин жойларида сарвқомат оҳулар, чиройли товуслар (ҳозир ҳам бор) ва қирғовуллар сайр қилиб юрган ва йўлкалар чорраҳаларидаги чаман гуллар рангини янада очиб турган. Истироҳат боғи сердарахт ва соя-салқин бўлиши билан сувсиз қовжираган чўл қучоғида Бухоронинг ёзги жазирама офтобларидан кишига ором берувчи маконга айланган. Илгари фақат амирнинг оиласи учун мўлжалланган «жаннатнинг бу бурчагида» эндиликда оддий совет кишилари дам олмоқдалар ва шифоланмоқдалар.


Ситораи моҳи хоссага бориш йўлида ҳозир улкан Комсомол кўли қурилган. Кўл атрофида кагта истироҳат боғи барпо қилинган. Бу ер ёзда Бухоро ёшларининг севимли дам олиш жойига айланади.



Янги саройдаги ёзлик айвон,
Летняя веранда (айван) Нового дворца.

Ўрдаҳонанинг ички ҳовлисидаги равоқли қисми.
Арочная галерея внутреннего двора гарема (Ўрда-хана),





Шаҳар четидаги Ситораи мохи хосса саройининг пълни

А—Эски сарой (алча қисми вайрон бўлиб кетган). Г—Ҳовузлар. В—Дарвозахона. Д—Гулзор. Е—Янги сарой: 1—Ойнавондли чойхона. 2—Даҳлиз. 3—Меҳмонхона. 4—Саломхона—амирнинг қабулхонаси. 5—Раҳрау—коридор. 7—Ваннахона. 8—Хонаи сафид—оқ хона. 9—Хонаи хоб—ухлаш хонаси. 10—Айвон. 11—Эшик овасининг хонаси. 12—Йўлак. 13—Фонтан. 14—Ичкари ховли. Ж—Хазина—амирнинг мабляғи, дас асбоб-анжомлари ва озиқ-овқатлар сақланадиган хона: 1—Шаратхона. 2—Хазина—қимматбаҳо нарсалар сақланадиган хона. 3—Ҳожатхона. 4—Омбор; И—Айвонча (дахона)—томошабинлар ўтирадиган жой. Айвончалар турли томошалар бўладиган ташқи ҳовли—ховли бирунни ўраб туради; К—Ховлича—ҳарам хизматкорларининг хоналари: Л—Ҳарам; М—Хонаи ҳашт (саккиз хона): 1—Хонаи калон—катта хона. 2—Хонаи овқатхури—овқатхона. 3—Даҳлиз. 4—Хонаи хоб—ухлаш хоналари. 5—Ванна ва ҳожатхоналар. 6—Қазноқ. 7—Ошхона. 8—Шашхона—олти қиррали хоналар, хизматкорлар учун; Н—Икки қаватли кушк: 1—Хонаи хоб—ухлаш хоналари. 2—Хонхона—меҳмонхона. 3—Ошхона. 4—Айвонлар. 5—Гулхона. 6—Масжид; О—Шийпон; П—Қўпқари—улоқ чопадиган майдонга чиқиш йўли; Р—Ҳайвонотхона. 1—Жониворхона.

План загородной резиденции Ситора-и-Махи-Хаса:

А—старый дворец (большую частью не сохранился); Г—хаузы (водоемы); В—парадный въезд (дарвазахана); Д—гульзар (цветники); Е—Новый дворец: 1—остекленный павильон—чайхана, 2—дахлиз—передняя, 3—михманхана—гостиная, 4—саламхана—приемный кабинет эмира, 5—рах-рау—коридор, 7—ванная, 8—хона-и-сафид—белый зал, 9—хона-и-хоб—спальная комната, 10—айван—веранда, 11—помещение привратника, 12—проезд, 13—фонтан, 14—руи-хаули-дарун—внутренний двор; Ж—хазина—помещение для хранения личных вещей эмира: 1—шарбатхана—кладовая напитков, 2—хазина—комната для хранения ценностей, 3—уборные, 4—амбары; И—айвонча (дахана)—места для зрителей—окружавшие внешний двор (хаули-бирун), в котором происходили различные представления; К—хаулича—помещения для служанок гарема; Л—харам—гарем; М—хона-и-хашт (восемь комнат)—павильон в саду; 1—хона-и-калян—большой зал, 2—хона-и-овқат-хури—столовая, 3—дахлиз—передняя, 4—хона-и-хоб—спальные комнаты, 5—ванные и уборные, 6—кладовые, 7—ош-хана—кухня, 8—шаш-хана—две шестигранные комнаты для слуг; Н—двухэтажный павильон: 1—хона-и-хоб—спальные комнаты, 2—хан-хана—гостиная (михманхана), 3—ош-хана—кухня, 4—арочные галереи (айваны), 5—гуль-хана—оранжерея для цветов, 6—мечеть; О—шипанг—беседка; П—куп-кори—ворота с террасой, ведущие к месту игрши (кезлодрание); Р—хайвонот-хана—зоологический сад; 1—джанвар-хана—вольеры для животных.



Хонаи хашт (саккиз хона) кӯшидагӣ овқатхона
безакли шипи.

Расписной деревянный потолок столовой
восьмикомнатного павильона.

Хонаи хашт кӯшикиниг катта хонаси — Хонаи
Калоннинг нақш-безаклари.

Фрагмент росписи большого зала (хона-и-
калян) восьмикомнатного павильона.



В четырех километрах к северу от Бухары, по дороге на Самарканд, расположен один из лучших загородных дворцов последних эмиров Бухары — Ситора-и-Махи-Хаса (Махаса).

Загородный дворец (старый дворец) был построен еще в прошлом столетии отцом последнего бухарского эмира — Ахад-ханом. Строительством дворца руководил местный зодчий Ходжи Тафиз. В настоящее время бывшая резиденция эмира Ахад-хана с ее многочисленными апартаментами в значительной части разрушена.

К востоку от первого дворца был сооружен новый комплекс садово-парковых павильонов и дворцов в стиле загородных дворцов в Европе.

Резиденция представляет собой большой сад площадью 6,7 гектара с цветниками, аллеями виноградника, фруктовыми деревьями, зоологическим садом. Вся территория была обнесена высоким глинобитным дувалом, напоминающим крепостное сооружение. С северной стороны располагался парадный въезд, а с южной — ворота с террасой (надстройка над въездом), выходящие на большое поле, где обычно проводились традиционные игры «козлодранье» (куп-кори).

В наши дни во дворце размещен филиал Бухарского областного краеведческого музея, а остальная территория передана под дом отдыха и санаторий.

В Ситора-и-Махи-Хаса мы попадаем через парадный въезд (дарвазахана). Здесь как в зеркале отражаются упадочные тенденции бухарской архитектуры конца XIX—начала XX веков. Ворота перекрыты аркой, не свойственной для построек Средней Азии; пилоны их облицованы майоликовыми плитками марганцово-красного, сине-фиолетового и голубых цветов. Наряду с традиционными майоликовыми облицовками, но чуждых тонов, установлены привезенные из России расписные кафельные плитки, предназначенные для облицовки печей. Верхняя часть ворот украшена зубцами, состоящими из плоских алебастровых вазонов.

Наиболее ценным являются деревянные ворота с великолепной резьбой по мотивам узбекского национального орнамента, с кованными из меди гвоздями и кольцами-ручками с тончайшим чеканным узором.

За дарвазаханой расположен обширный внешний двор (хаули-бирун), обнесенный с трех сторон легким навесом с частым рядом стоек.

Справа от входа небольшая постройка (хазина) с маленьким внутренним двориком, соединенная проходом с Новым дворцом.

На противоположной стороне, в углу, вторые ворота с коленообразным проходом и помещением для привратника.

К южной стороне внешнего двора (хаули-бирун) примыкает Новый дворец, построенный в 1912—1914 годах. Он расположен в виде буквы «П», окаймляя с трех сторон парадный внутренний полуоткрытый дворик (руи-хаули-дарун), вымощенный плитками, с небольшим фонтаном в центре. Большой айван (веранда) находится в северной части двора. С западной стороны расположен «Белый зал» (хана-и-сафид), с южной — застекленная веранда (чайхана), залы для ожидания и приемная-кабинет эмира.

Главный вход во дворец украшен скульптурами львов, высеченных местными мастерами из нуратинского мрамора. Бухарским мастерам, никогда не за-

нимавшимся скульптурой, лучше удавались сложные орнаментальные композиции. Примером этому может служить роспись по алебастровому фону комнаты ожидания (дахлиз) при кабинете эмира. Яркие декоративные вазоны и стилизованные цветы покрывают стены, разбитые на отдельные зеркала, выполненные в традиционном стиле художником-наккоша — Хасан Джаном.

Одним из лучших архитектурно-художественных произведений XIX—XX веков Бухары является интерьер «Белого зала» (хана-и-сафид) в Новом дворце Тончайшая ткань восточного узора составлена из упругих завитков побегов, стилизованных цветков в сочетании с великолепными геометрическими орнаментами. Обилие зеркал в зале не нарушает традиционного решения интерьера, так как они служат лишь основой для рельефного узора. Зеркальный фон и сверкающая ослепительной белизной резьба из гульганчи (алебастра) придают всему внутреннему объему воздушность и парадность. Строительство и отделка зала велись в течение двух лет народными мастерами во главе с видным узбекским зодчим усто Ширин Мурадовым, впоследствии почетным академиком Академии наук Узбекской ССР.

Строительством Нового дворца руководили в основном русские инженеры Сакович и Маргулис, находившиеся на службе при дворе эмира Алимхана. Для отделки и оборудования дворца были привезены из России зеркала, кафельные голландские печи, хрустальные люстры, багет, мебель и т. п. Однако большинство этих предметов вносило противоречие в национальное убранство дворца. Нововведением в загородной резиденции являлось анфиладное расположение приемных залов на европейский манер, а также декоративная лепнина на наружных фасадах. Парадная архитектура Нового дворца вписывалась в садово-парковую зелень.

В северной части сада был сооружен гарем (харам), а к западу от него — небольшая постройка с комнатами для служанок (хаулича). Архитектура

гарема также исполнена по европейскому образцу. Двухэтажное здание с аркатурой полуциркульного очертания обрамляет внутренний дворик, сохранившийся от местных традиций жилой архитектуры. В настоящее время здание переоборудовано под столовую санатория.

В центре сада находится восьмикомнатный павильон (хана-и-хашт). Комнаты расположены вокруг столовой (хона-и овкат-хури), восьмигранной в плане. Стены столовой покрыты рельефной росписью с позолотой, напоминающей бухарские вышивки золотыми и серебряными нитями по бархату. С южной стороны павильона большой прямоугольный зал (хона-и кальян) с нишами по стенам. Росписи и архитектура зала типичны для гостиных (михманхана) богатых бухарских домов. Остальные комнаты предназначались для спален (хона-и хоб) и прислуги.

В южной части сада в 1917—1918 годах были построены двухэтажный особняк из кирпича с застекленной оранжереей (гюль-хана), мечеть, большой водоем (хауз). Особняк стоит на берегу хауза, облицованного серым газганским мрамором. Архитектура этого особняка представляет сочетание псевдорусского зодчества конца XIX века и мавританского стиля. Внутренняя планировка дворца представляет собой коридорную систему с помещениями без сквозного проветривания, пригодными в Средней Азии лишь в зимний период.

Несмотря на некоторые интересные в художественном отношении решения — росписи, резьбу по дереву и алебастру, исполненные зодчими Бухары, архитектура в целом старого и нового дворцов упадочная. Здесь перемешались, не найдя органического слияния, разные стили. Политика подражания русскому двору отразилась в архитектуре загородных дворцов Бухары, на которых лежит печать эклектизма.

Большой интерес в загородной резиденции Сигора-и-Махи-Хаса представляет садово-парковая архитектура. Хотя все сооружения находятся на терри-

тории сада, последний решен как бы самостоятельно. Это говорит о том, что сад был разбит, видимо, до начала строительства дворцовых и парковых сооружений. Планировка садово-парковой части наследует традиционные решения «чор-багов» (загородных садов), известных по самаркандским садам эпохи Тимура и тимуридов.

Характерной особенностью садово-парковой архитектуры Средней Азии является подбор зеленых насаждений, где наряду с декоративными растениями, произрастает множество фруктовых деревьев.

В южной части парка находился зоологический сад и вольеры для животных. В тени сада разгуливали на стройных ножках газели, красавцы павлины (живут и сейчас) и фазаны, дополняя яркие краски цветочных клумб, разбитых на перекрестках аллей.

Парк-сад с его обилием зелени и глубокой тенью создавал живительную прохладу под палящими лучами летнего бухарского солнца.

Теперь в этом райском уголке, когда-то предназначенном лишь для одной семьи царственной особы, отдыхают и лечатся простые советские люди.

72[C52]
H83

На узбекском и русском языках

Константин Степанович Крюков
СИТОРА-И-МАХИ-ХАСА

72[C52]

Издательство «Узбекистан»—Ташкент—1968

Редакторы *К. Абдуллаев, А. Муракаева*
Фото *Е. Юдицкого*

Худож. редактор *М. Гумаров*
Техн. редактор *Т. Аббасов*

Корректоры *М. Каримова, Г. Хабибуллина*

Сдано в набор 29/VI-1967. Подписано к печати 5/VI 1968. Формат
84×90₃₂. Печ. л. 0,375. Уч. изд. л. 0,6+0,32 вкл. Тираж 50000.
Р 15124. Издательство «Узбекистан», Ташкент, Навои, 30. Договор
№ 43—67. Отпечатано на бумаге № 1

Типография № 3 Госкомитета Совета Министров УзССР по печати,
Ташкент, Навои, 30. Зак. 678. Цена 7 к.

2-8-4
1968